ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

24 сентябрь, пайшанба 1998 йил №112(613)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

1 ТОШКЕНТ ИСТЕЪДОДЛАРГА БАҒРИНИ КЕНГ ОЧДИ

2 ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ БУЮК ЮТУҒИ

3 КОМРОН АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

4 ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли-Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, тарихнавис, таржимон, давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли - Огаҳийнинг адабий-илмий меросини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 1999 йилда республикамизда Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли - Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда юбилейга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Фанлар Академияси:

- Хоразм Маъмун академияси билан биргаликда 1999 йил декабрь ойида «Шарқ халқларининг маънавий-маърифий тараққиётида Огаҳий адабий-илмий меросининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказсин;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва тегишли вазирликлар билан биргаликда 1998-1999 йиллар давомида шоирнинг бадиий, илмий-тарихий меросидан «Танланган асарлари»ни ҳамда Огаҳий ҳақидаги рисола, мақолалар тўпламини тайёрласин ва чоп этсин.

3. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда 1999 йил декабрь ойида Урганч шаҳрида Огаҳий юбилейига бағишланган тантаналарни ташкил қилсин ва ўтказсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда тегишли идоралар билан биргаликда маҳаллий бюджет ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига Огаҳий номи билан аталувчи мажмуа таркибига кирган иншоотларни, жумладан, Хива туманидаги шоир мақбарасини, музей ҳамда боғини таъмирлаш, янги экспонатлар билан бойитиш, ободонлаштириш ишларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Огаҳий сурати тасвирланган почта маркалари, конвертлар чиқаришни ташкил этсин.

6. «Ўзтелерадио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Огаҳийнинг ўзбек адабиёти ва тарих илмини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ҳаёт йўли акс этган кўрсатувлар, эшиттиришлар ташкил этиш, мақолалар уюштириш ҳамда шоир асарлари асосида видеофильмлар яратиш топширилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Огаҳий юбилейини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар вазирликлар ва идораларнинг режадаги ўз, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига қопланади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳомийларнинг ўз маблағлари, хорижий кредитлар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади;

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юкланади;

. кўрсатиб ўтилган объектларни янгидан қуриш ва қайта ихтисослаштириладиганларини реконструкция қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг намунавий лойиҳалари бўйича ҳамда унинг назоратида амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш минтақавий дастурларини, академик лицейларни ва касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ва ишга туширишнинг аниқ ҳудудий дастурларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлатсинлар, унда қуйидаги принциплар асос қилиб олинсин:

таълим муассасаларининг янги турларига қўйилаётган талабларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини барпо этиш учун фаолият кўрсатиб турган ўрта махсус ва ҳунар- техника таълим муассасаларининг моддий-техника базасидан, шунингдек бошқа бинолар, иморатлар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан юқори даражада фойдаланиш;

ишлаб чиқариш амалиёти базалари ва ўқувчиларнинг яшаш жойлари яқинлигини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларини оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш. Зарур ҳолларда яшаш жойи узоқ бўлган ўқувчилар учун ётоқхонада яшаш шароитлари яратиш;

академик лицейларни, қоидага кўра, олий таълим муассасалари ҳузурида, шунингдек юқори малакали педагог кадрлар мактабига эга бўлган шаҳарларда ва туманлар марказларида ташкил этиш;

9-синф битирувчиларини 2005-2006 ўқув йилидан кечиктирмай ўқитишнинг янги шакллари билан қамраб олган ҳолда уларни янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига босқичма-босқич қабул қилиш;

бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан корхоналар ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Минтақавий дастурларда ишга туширилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари аниқ рўйхатларини шакллантириш назарда тутилсин ва Дастур топшириқларининг бажарилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

1999-2005 йиллардаги даврда ҳар йили ишлаб чиқиладиган республика инвестиция дастурларида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурининг амалга оширилишини таъминловчи ҳажмларда лимитлар ва маблағ билан таъминлаш манбалари /шу жумладан бюджет маблағлари/ни назарда тутсинлар,зарур ҳолларда илгари қабул қилинган инвестиция дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари ва маблағ билан таъминлаш манбаларини қайта кўриб чиқсинлар;

Дастурни амалга ошириш учун имтиёзли шартларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича, ушбу мақсадлар учун Ҳукумат кафолати берилишини ҳисобга олган ҳолда, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар;

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда зарур ҳолларда унинг кўрсаткичларига киритилиши мумкин бўлган тузатишлар тўғрисида таклифлар тақдим этсинлар.

5. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига:

касб-ҳунар коллежларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминласинлар; академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш минтақавий дастурларига мувофиқ ўз балансидаги ўрта махсус ва ҳунар-техника таълим муассасаларини қайта ихтисослаштирсинлар.

6. Белгилансинки: юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади /фойдаси/ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига, уларни реконструкция қилишга, қайта ихтисослаштиришга ва жиҳозлашга йўналтириладиган фойда суммасига камаяди; таълим муассасаларини жиҳозлаш учун импорт қилинадиган ўқув лаборатория асбоб-ускуналари бож тўловларидан озод этилади.

7. Белгилансинки, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш молиявий ресурсларнинг топилишига қараб босқичма-босқич амалга оширидади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш нормативларини, қурилишлар сметасига кирувчи асбоб-ускуналарни алоҳида сатрга ажратган ҳолда, 1998 йил охиригача ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи функцияларини бажариш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши бўйича Қорақалпоғистон республика ва вилоят дирекцияларига юклансин, бош пудратчи этиб эса, қоидага кўра, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий ихтисослаштирилган қурилиш трестлари белгилансин.

Белгилансинки, Минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шаҳсан жавоб берадилар.

9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда 1998 йил 1 декабргача 1999 йилда қуриладиган объектлар бўйича тендер ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда тайёрласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-ҳунар коллежларини тажриба хўжаликлари ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун камида 20 гектар ер майдони билан таъминласинлар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссияси 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши устидан доимий мониторингни таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ЛОНДОН. Шимолий Ирландияда қарама-қарши икки гуруҳ-католиклар ва протестантлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу фавкулодда учрашувнинг бош мақсади Ирландия миллий республикачиларини муросага келтиришдан иборат эди. Лекин, РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, томонлар Шимолий Ирландияда ҳукумат таркиби билан боғлиқ масалаларда келиша олмагани сабабли учрашув бесамар якунланган.

* * *

ПЕКИН. Хитой ҳукумати Будданинг 1200 йил аввал яратилган тош ҳайкалини қайта тиклаш учун 10 миллион юан /1,2 миллион АҚШ долларига тенг/ ажратди.

Таъмирлаш ишлари келаси ойда бошланиши кутилмоқда. Ҳайкал 618-907 йиллар мобайнида қурилган бўлиб, у буддизм намояндаларининг фахри ҳисобланади.

* * *

ТОКИО. Японияннинг энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялари - «Тойота», «Ниссан» ва «Хонда»да ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга камайди. Шу уч компания орасида, айниқса, «Хонда» жуда оғир аҳволда. Унинг заводларида автомобил ишлаб чиқариш 10,8 фоизга қисқарди. Лекин мамлакатдаги оғир иқтисодий тангликка қарамай, «Тойота» компанияси ҳамон Япония автомобилсозлигининг йўлбошчиси бўлиб турибди.

* * *

ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа вазирлиги мамлакат Конгрессига Исроилга умумий баҳоси 5 миллиард долларга тенг бўлган жанговар самолётлар сотиш ҳақидаги қарорини билдирди. 60 та «Ф-16» ва 30 та «Ф-15» русумли самолёт билан бирга, Исроилга радарлар, техник жиҳозлар ҳам етказиб берилади. Шунингдек, Пентагон Исроилда учувчилар тайёрлаш режаси борлигини билдирди.

Бу савдо АҚШнинг ташқи сиёсатига мос келади ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлайди, чунки самолётлар дўст мамлакатга сотилмоқда. Исроил ўз мудофаа қудратини ошириш учун бу техникага эҳтиёж сезаётир, дейилади Пентагоннинг Конгрессга мурожаатида.

* * *

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия бош вазири Маҳатҳир Муҳаммад «Интернэшнл Ҳералд трибюн» газетасига интервью бериб, сиёсий рақибларини ҳибсга олдиришни давом эттириш нияти йўқлигини айтди. Агар Анвар Иброҳимнинг тарафдорлари зўравонлик ҳаракатларига йўл қўймаса, уларни таъқиб қилишга чек қўйилади, деди у.

Маълумки, бош вазирнинг собиқ ўринбосари Анвар Иброҳим давлат сирларини тарқатиш ва порахўрликда айбланиб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган эди. Бунга норозилик сифатида у ўтган якшанба пойтахтда катта намойиш ўтказди ва натижада тартибсизликлар авж олиб кетди. Ҳозир Анвар Иброҳимнинг юздан ортиқ тарафдори ҳибсга олинган.

* * *

ДАККА. Бангладешлик мутаассиб диндорлар Ислом динини ҳақоратлаганликда айбланаётган ёзувчи Таслима Насринни ҳибсга олишни талаб қилиб, мамлакат ҳукуматига таҳдид ўтказмоқда. Бангладеш диндорларининг энг йирик партияси ҳисобланган Жамоат ал-Исломий раҳбарлари ташаббуси билан Даккада ўтказилган норозилик намойишида Таслима хонимни олий жазога ҳукм қилиш талаб қилинди.

Бир неча йил муқаддам Таслима Насрин мусулмон аёлларга бирмунча эркинлик берилиши учун Қуръонга ўзгартишлар киритиш таклифини илгари сурган эди. Шундан сўнг диндорларнинг кучли норозилиги ва таъқибларига учраб, 1994 йили мамлакатни тарк этганди. 14 сентябр куни эса у яна Даккага қайтиб келди. Бу анча ҳовури босилган мутаассиб диндорларнинг ғазабини қайтадан қўзғади.

Таслима хонимнинг нима мақсадда келгани ва ҳозир қаерда яшириниб ётгани ҳукумат вакилларига маълум эмас.

/ЎзА/

ЮРТИМИЗДА МУСИҚА БАЙРАМИ

Шу кунларда пойтахтимиз янада ўзгача чирой очди. Жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан энг таниқли, машҳур бастакорлар ташриф буюриб, Халқаро симфоник мусиқа Фестивалида ўз асарлари билан иштирок этишаяпти.

Дунё тан олган мустақил юртимизда яна байрам. Санъат саройлари мусиқа ишқибозлари билан гавжум. Шу ҳафта мобайнида фестивалга тақдим этилган симфоник мусиқа асарлари юртимизда янграйди.

Дўстлик, тинчлик, гўзалликни таранну этувчи Халқаро симфоник мусиқа фестивалида қатнашаётган

Ли Геон Ёнг (Жанубий Корея)

Питер ЧАЙЛД (АҚШ)



Ялчин ТУРА (Туркия)

пойтахтимиз меҳмонлари бир олам таассуротлар билан ўз дил сўзларини баён этишди.

Питер ЧАЙЛД (АҚШ) - бастакор, профессор:

- Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Тошкент мен тасаввур этгандан кўра гўзал, мафтункор шаҳар экан. Одамлар чеҳрасида табассум. Ҳар бир кўчада, хиёбонда, манзилда байрам шукуҳи сезилиб турибди.

Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ташкил этилган кишиларга, айниқса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга минг раҳмат.

Мен фестивалга торли чолғулар оркестри учун «Симфонетта» асарим билан қатнашаяпман.

Ли Геон Ёнг (Жанубий Корея) - профессор:

- Менга Тошкент, ўзбеклар жуда ёқди. Фестивал баҳонасида жаҳон мамлакатларининг таниқли бастакорлари билан яқиндан танишиб, дўст тутиндим.

Айтишларича, Тошкентда ўзбек миллий кураши, теннис бўйича халқаро спорт мусобақалари ўтказилибди. Бугун эса Халқаро симфоник мусиқа Фестивали зўр шодиёналик билан байрам қилинаяпти. Демоқчиманки, мустақил Ўзбекистон жаҳон истеъ-додлари учун бағрини кенг очмоқда.

Ўзбекистонликларнинг ҳар бир ишларида омад тилайман. Санъат доимо ҳамроҳингиз бўлсин, дейман.

Ялчин ТУРА (Туркия) - бастакор:

- Қадрдонлар диёрида бўлиш бизлар учун бахт. Ўзбекистонликлар санъатни жуда севар ва қадрлар эканлар.

Мен бу ерда Рустам Абдуллаев, Икром Акбаров, Ҳабибулло Раҳимов каби ўзбек бастакорлари ва Италия, Америка, Франция, Тожикистон, туркманистонлик ҳамкасбларим билан дўстлашдим.

Тошкент - ҳақиқий дўстлик ва биродарлик шаҳри эканлигига чуқур ишондим.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган суратлар.

Санъат дўстликни мустаҳкамлайди

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган халқаро симфоник мусиқа фестивалида жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан элликка яқин мусиқашунос, композитор ва дирижёр қатнашмоқда. Шулардан бири тожикистонлик таниқли композитор, Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти совриндори Толибхон Шаҳидийдир.

Чинакам мусиқа асари ўзининг сермаъно ғоявий моҳияти билан ажралиб туради. Унда шахс ҳаёти муаммолари, фалсафаси, ҳиссий кечинмалари акс этади. Т.Шаҳидий «Ҳайёмнинг рубоийлари» фильм-балети, «Юсуф ва Зулайҳо», «Сиёвуш» балетлари, «Лайлак-халиф» операси, оркестр учун ёзган «Садо» поэмаси, камер оркестр учун яратган «Суфий рақслари» ва бошқа кўплаб асарлари билан мусиқа ихлосмандларига яхши таниш. У АҚШ, Германия, Швеция, Япония каби мамлакатларда ўтказилган мусиқа фестивалларида қатнашган.

- Мазкур мусиқа фестивалига таклиф этилганимдан жуда хурсандман,- дейди Т.Шаҳидий. - Бизнинг минтақамизда бундай катта мусиқа анжумани илк бор ўтказилмоқда. У Марказий Осиёнинг ҳар томонлама тараққий этиб бораётган мамлакатида бўлиб ўтаётгани билан ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбекистон мен учун айниқса қадрдон. Отам - атоқли тожик композитори Зиёдулло Шаҳидий Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳон каби таниқли ўзбек бастакорлари билан яхши ошно бўлган. У ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзиб, қўшиқлар яратган. Мамлакатингизда бўлиб ўтган Тожикистон кунларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Биз икки тилда сўзлашувчи бир халқмиз» деган ибораси нақадар ҳаётий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиб турибман.

Ўтаётган фестиваль яна шуниси билан қувонтирмоқдаки, унда кўплаб хорижий мамлакатлар билан бир қаторда таниқли ўзбек бастакорларининг етук асарлари ижро этилади. Мен бу нуфузли анжуманга ўзимнинг торли оркестр учун ёзган «Фирдавсийнома» асарим билан келдим. Уни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижро этади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Навоий тоғ-кон комбинати - фахримиз

НИКОЛАЙ КУЧЕРСКИЙ МАКТАБИ

Бепоён, одам оёғи етмас Қизилқум чўллари бир кун келиб инсон измига бўйсуниб ўзининг бебаҳо ва бетакрор хазина булоқларини очиб беради, деган ўй ҳар кимнинг ҳам хаёлидан ўтмаган бўлса керак. Гарчанд саҳро остида яширинган бойликлар олимларга анча олдин маълум бўлган эса-да, лекин уларни ўзлаштириш асосан республикамиз мустақилликка эришгандан сўнггина амалга ошира бошланди. Сабаби - мамлакатимизни тезроқ тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олишини кўзлаган ҳукуматимиз раҳбарлари хорижнинг замонавий технологиясини , энг сўнгги илм-фан ютуқларини амалиётда қўллай бошладилар. Қилни қирқ ёрадиган мутахассислар жалб этилди, қўшма корхоналар ташкил этилди. Қизилқум кенгликлари бағридаги бойликлари Истиқлол манфаатларига хизмат қилдириш Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоаси зиммасига юклангани бежиз эмасди. Чунки, кончилар саҳро билан тиллашиб, унинг сир-синоатини ўрганишда бой тажриба тўплаган эдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йили учун тузилган дастур ва ҳукуматимизнинг Қизилқумдаги гидрат фосфорит конини ўзлаштириш юзасидан белгиланган топшириғи шараф билан бажарилди. Ишлаб чиқарилган олтин миқдори мустақилликнинг дастлабки йилдагига нисбатан 1,4 марта кўпайди. Вазирлар Маҳкамасининг Тошқора конидан топилган фосфоритни ўзлаштириш ҳақидаги қарори жадал суратларда амалга оширила бошланди. Шу тарика Қизилқум фосфорит комбинатига асос солинди. Унинг биринчи навбати энг қисқа муддат - 1 йилу 3 ойда фойдаланишга топширилди. Комбинат қурилиши жараёнида турли муаммолар пайдо бўлганини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Қурилиш-монтаж ишлари участкаси бошлиғи В.Суходобенконинг таъкидлашича, хориждан келтирилаётган асбоб-ускуналарни созлаш ишлари кечикаётган эди. Бу эса ҳукумат топшириғини ўз вақтида бажариш имконини бермасди. Комбинат маъмурияти дадил қарорга келди. «Асбоб-ускуналарни ўзимизда қайта созлаймиз!»

Хуллас, мамлакат - тараққиётини кўзлаган топшириқ бажарилди. Кончилар нималарга қодир эканликларини амалда намойиш қилишди. Фосфорит рудаси истиқлол манфаатларига хизмат қила бошлади. Унинг заҳираси эса 5 миллион тоннани ташкил этади. Унинг дастлабки ўн минглаб тонналари эса буюртмачиларга етиб борди. Демак, Навоий кон-металлургия комбинати директори Н.Кучерскийнинг таъбири билан айтганда: «Кончилар энди қишлоққа юз тутишни бошладилар». Бундан кейин фосфорли ўғитни четдан келтиришга чек қўйилди.

Эндиликда, кончилар олтин калитга эга бўлдилар, у билан ҳали кўплаб ер ости бойликлари эшигини очишларига шубҳа йўқ. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг бошларида кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригида шундай жумла бор: «Жаҳон андозалари даражасидаги ва ҳатто ундан ҳам устунроқ янги ноёб технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Сиз амалга ошираётган ишлар бутун мамлакатимиз учун намунадир.

Аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик, инженер-техник ходимларнинг юксак даражадаги малакаси, меҳнат самарадорлигини такомиллаштириш ва оширишга бўлган доимий интилиш - Сизнинг комбинатингиз жамоасига хос бўлган ажойиб, ибратли фазилатдир».

Ўзининг 40 йиллик тўйини нишонлаётган комбинат жамоаси бундан кейин ҳам янги ташаббуслар билан чиқиб, ўз муваффақиятлари ила мамлакатимиз аҳлини қувонтираверади ва эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ҳамда кўпайтиришда кўпчиликка намуна бўлаверади, дейишга тўла асос бор.

Абдунаби МАННОПОВ.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ БУЮК ЮТУҒИ

«Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини ўтайди».

Ислом КАРИМОВ.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зеро, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида жаҳонга танитадиган қомусномадир. Ишлаб чиқиш ва уни кенг муҳокама этишда бутун халқ иштирок қилган Ўзбекистон Конституцияси худди шу халқ тафаккури маҳсулидир. Асосий Қонунимизга баҳо беришда энг нуфузли давлат ҳамда халқаро ташкилотларининг етук олимлари иштирок этиб муносиб баҳо беришган.

- Менда Ўзбекистон Конституциясининг инглиз тилидаги нусхаси бор,-дейди Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси,- уни неча бор синчиклаб ўқиб чиққанман. Асосий Қонунингизда халқингизнинг ўзига хос ҳаёт тарзи инобатга олинган, Ғарб давлатлари тажрибаси чуқур сингдирилган.

Чинданам Конституциямиз улкан маънавий-аҳлоқий потенциалга эга. Унда инсонпарварлик ҳамда адолатлилик ғоялари ёрқин ифодаланган. Ҳаётбахш моддаларида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, оила жамият ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ҳимоя қилиниши, давлат, жамият етим болаларни шу қатори ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитиш масалалари қонун йўли билан мустаҳкамланган. Ушбу нормалар мазмунида ўзбек халқининг бой ички маънавий дунёси, саховатли, қадимий маданияти билан бирга олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар муносиб равишда ўз ифодасини топган.

Биз 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш шароитида яшадик. Юртимиздаги жамики бойликлар, мулк эгаси давлат деб билдик. Нимаики масалада бўлмасин давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро манфаати эса ўша даврдаги конституцияда ҳисобга олинмаганди. Шу жиҳатдан қараганда амалдаги Асосий Қонунимизнинг энг муҳим моҳиятларидан бири шундан иборатки, унда «давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилган. Демак, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган.

Фидокор халқимиз асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият эркин ҳаёт қуришни орзу қилиб келган. Ўзбекистон Конституцияси ёрқин орзуларни рўёбга чиқарди. Шунинг учун Бахт китобимиз мамлакатимиздаги ҳар бир инсон учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадрли, ардоқли!

- Республикада демократия умумбашарий қоидаларга асосланган, уларга кўра инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги Конституциямизда эътироф этилган,-дейди Куйи Чирчиқдаги Беруний номли халқ корпорацияси пахтакори Георгий Протасевич,- мустақиллик йилларида шу жаннатмакон ўлкада яшаётган турли миллат ва элатлар вакиллари биз ягона халқ эканимизга чуқур ишонч ҳосил қилдилар. Ҳа, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг гуллаб яшнаши учун ҳар биримиз ўзимизга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб фидойилик кўрсатишимиз лозим. Ҳозир республикада йигирма мингдан ортиқ беларусь яшамоқда. Улар миллий маданиятимизга мансублигини чуқур ҳис қиляптилар. Юрагимдаги гап: давлат томонидан ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланган инсонлардагина ғурур, ишонч, қалбда Ватанга чексиз муҳаббат туйғуси бўлади. Улар ҳеч қачон жамиятдан ташқарига чиқиб қолмайдилар.

Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Ният - яккаҳокимликка барҳам бериш, корхонаю ташкилотлар, тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдир. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Мустақиллик даврининг асосий белгилари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига асосланган демократияни қарор топтириш, ижтимоий адолатни ҳаётнинг ҳамма соҳаларига сингдиришдан иборат.

Республика Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ҳужжатларида шундай сатрлар бор: «Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва қўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак».

Дарҳақиқат инсон ва унинг ҳуқуқи, эркинлиги замонамизнинг энг долзарб масалаларидан биридир.

- Давлат, жамият, инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳим аҳамият касб этиб келган ва ҳозир ҳам шундай,-дея фикр билдирди юридик фанлар номзоди Абдувоҳид Ваҳобов давра суҳбатида. - Шу боис Бахт китобида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Унинг VII-боби 31-моддасида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири - виждон эркинлиги қонуний мустаҳкамлаб берилган. У жамиятнинг чинакам маданийлиги кўрсаткичларидан бири эканлигини яхши англаяпмиз. Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганлиги ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шуниндек, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Олим фикрига қўшимча сифатида яна шуни айтиш мумкин: бу муҳим қонуннинг яна бир қимматли жиҳати у бизга турли хил диний ва сохта мафкуравий тамойиллар билан ниқобланган ўзбошимчаликларга қарши курашни қонуний асосга қўйиш имконини беради. Унга таянган ҳолда олға қараб боришимизга, осойишта яшашимизга тўсиқ бўлаётган барча иллатларга қарши муросасиз кураш олиб бормоқдамиз. Ва албатта, Конституциямиз ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлган тинчлик, хотиржамлик, тотув ҳаётнинг асосларини ўзида тўла мужассам этган. Шу боис уни бор имконимиз билан улуғлаймиз, муқаддас деб биламиз!

Мирғиёс ҚАЮМОВ.

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Олтин-нодир металл. Уни топиш, қазиб олишнинг ўзи бўлмайди. Қўшработ туманидаги Зармитанлик кончиларнинг бу борада олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқ. Биринчи навбатда кончилар ҳаёти, соғлиги ҳар томонлама муҳофаза этилган. Оилалари учун замонавий уй-жойлар қуриб берилган.

Зармитанлик кончиларнинг ҳар бири ҳақида қанча ёзсанг озлик қилади. Дўстберди Умаровнинг бу жамоага аъзо бўлиб кирганига ҳам 25 йилдан ошяпти. У ғоят масъулиятли вазифани бажаради. Умаровнинг касби портлатувчидир. Кончилик ишларини бусиз тасаввур этиш қийин.Ҳеч қачон адашмаслиги, хатога йўл қўймаслиги лозимлигини чин дилдан ҳис этади.

У бу ишлар билан чекланмай олтин конларимиз учун малакали шогирдлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшяпти.

Суратда: Дўстберди УМАРОВ.

Мусаввир М.ЖЎРАЕВ.

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҒОЛИБЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒА

Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси ҳамда «Камолот» жамғармаси ҳамкорликда туманлардаги фуқаролик ҳолати далолатномалар ёзиш бўлимлари ўртасида «Оила муқаддасдир» кўрик-танловини ўтказишди.

Сариосиё тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш бўлими бошлиғи Дилдора Шарафутдинова танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. Ғолиб рангли телевизор ҳамда мамлакатимиздаги дам олиш масканларидан бирига бепул йўлланма билан тақдирланди.

Рустам ДАВЛАТОВ.

6 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲАДЯ

Хоразм вилояти касаба уюшмалари томонидан турли тадбир, анъана ва байрам муносабати билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб боришга тобора чуқурроқ аҳамият бериб борилмоқда.

Яқинда оила йили муносабати билан деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси 562 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 2211 та дарслик олиб берди. Шунингдек, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси 900 минг сўмлик, енгил ва маҳаллий саноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси 115 минг сўмлик, маданий ходимлар касаба уюшма қўмитаси эса 165 минг сўмлик дарслик ва ўқув қуролларини мактаб ўқувчиларига ҳадя этишди. Айниқса бу ибратли иш Қўшкўпир, Шовот ва Хива туманларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Шу кунгача вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан мактаб ўқувчиларига жами 6 миллион сўмлик китоб ва ўқув қуроллари тортиқ этилди.

Қодир МУЛЛАЕВ.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўзбекистон савдо ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Андижон вилояти касаба уюшмалари кенгашининг қарорига кўра бу ерда республика банк савдо тармоқларида узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийларининг давра учрашуви бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан мақсад фахрийлар тўплаган бой тажрибадан ёшларга ўргатиш, мулоқот даврида ўртага ташланган фойдали таклиф, ташаббусларни оммаллаштиришдан иборат эди. Давра учрашуви Андижонда ташкил қилинишининг сабаби эса ушбу вилоятда меҳнаткашлар ва улар оилалари соғлиқларини муҳофаза этиш, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида ўрганса арзигулик ишлар қилинган эди.

Учрашув иштирокчилари кун тартибидаги тадбирлар давомида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди, корхона ва муассасаларда ишчи-хизматчилар билан қизғин мулоқотда бўлишди.

Шукрулло НЕЪМАТОВ.

Халқаро туризм кўргазмаси очилди

Тошкентдаги Республика савдо-кўргазма маркази - «Ўзэкспомарказ»да «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» тўртинчи халқаро туризм кўргазмаси очилди.

Қадимий Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз асрлар давомида сайёҳлар ва ишбилармонларни ўзига жалб қилиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, юртимизда туризмнинг ривожланишига катта эътибор қаратилаётгани натижасида бу тарихий йўлнинг аҳамияти яна қайта тикланиб бормоқда. «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» кўргазмасининг ташкил этилиши мамлакатимизда бу соҳани тараққий эттиришга қаратилган яна бир муҳим қадамдир.

Таъкидлаш керакки, анъанавий бўлиб қолган мазкур кўргазма қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу йил унда 35 мамлакатдан икки юздан ошиқ фирма ва компания иштирок этаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Улар орасида АҚШ, Испания, Италия, Туркия, Миср, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Ҳиндистон сингари давлатларнинг йирик сайёҳлик ташкилотлари борлиги қувонарли ҳол.

«Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» кўргазмаси хорижликларнинг юртимиздаги бетакрор меъморий обидалари, маданий ва маънавий меърос, қолаверса, меҳмондўст ўзбек халқи урф-одатлари ва анъаналари билан танишиши учун кенг имконият яратади. Шунингдек, сайёҳлик соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, халқаро алоқалар, бизнес ва ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам беради. Халқаро туризм кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

Қисқа сатрларда

ЎзА мухбирлари хабар беради:

Навоий сут заводида бир неча кундузда 25-30 тоннагача сутни қайта ишлайдиган цех ишга тушди. Унда пакетли сут, юз ва икки юз граммли қадоқланган сарёғ, пишлоқ, бринза, сузма каби маҳсулотлар тайёрлана бошлади.

* * *

Олмаликдаги темир-бетон конструкциялари заводида хитойлик шериклар билан ҳамкорликда полиэтилен толасидан қоп ишлаб чиқариш цехи ишга тушди. Шаҳардаги «Аммофос» бирлашмаси ва бошқа корхоналардан ҳозирдаёқ янги маҳсулотга буюртмалар олинди.

* * *

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Турон» деҳқон-фермер хўжалиги деҳқонлари ўта шўрҳоқ ерларда ҳам пахта етиштириш мумкинлигини исботладилар. 22 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил кўтарилди. Улар ялпи ҳосилдорликни 34 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Бўка тумани марказидаги 1-болалар боғчаси мактаб-боғчага айлантирилиб, инглиз тилини ўргатишга ихтисослаштирилди. Танлов асосида қабул қилинган кичкинтойлар мактаб ёшига етгунга қадар инглиз тилида сўзлаша оладиган бўлади.

Деҳқоннинг иккинчи уйи

Андижон вилоятидаги Шаҳрихон туманининг 16 хўжалигида пахта ҳосилининг ялпи терими бошланиши арафасида дала шийпонлари ва хирмонларнинг янги мавсумга тайёргарлиги бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Ҳакамлар ҳайъати асосий эътиборни теримчиларнинг самарали меҳнати ва ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт- шароитга, жумладан, овқатланишнинг ташкил этилиши, тиббий хизмат, ичимлик суви, озиқ-овқат билан таъминлаш ва дала шийпонларининг ҳолати қандай экани сингари масалаларга қаратди.

Танловда «Шаҳрихон» жамоа хўжалигидаги Мунисхон Қаюмова бошлиқ бригада аъзоларининг дала шийпони - иккинчи уйи энг яхши деб топилди. Бу бригада деҳқонлари ўзларига қулай иш шароити яратган экан. Бундан буён мазкур дала шийпони янада кўркам бўлади. Чунки, деҳқонларга мукофот сифатида тўртта палос гилами тақдим этилди. Бошқа совриндорларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Усмон Юсупов туманидаги «Тожикистон» жамоа ширкат хўжалигида кузги дон экиш қизғин бормоқда. Хўжаликда 1150 гектар ерга дон уруғи қадаш кўзда тутилган.

Суратларда: Механизатор Абдухолис Ортиқов: дон экиш пайти.

С.ШАВКАТОВ олган суратлар.

ГОЛЛАНДИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Иқтисодий ислоҳот мевалари

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Тадбиркор ишбилармонларга кенг йўл очиб берилаётгани яхши самаралар бераётир. Жойларда янги кичик корхона, цехлар қурилиб ишга туширилаётир. Натижада кўплаб иш ўринлари яратилмоқда, ҳаридоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Бу борада Республика «Бизнес фонди»нинг тадбиркорлар ва ишбилармонларга кўмаги катта. «Бизнес фонд»нинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари тадбиркорларни ўз вақтида сармоя билан таъминлаяпти.

Чуночи Тошлоқ туманидаги «Бўстон» қишлоғида ўз фаолиятини бошлаган сутни қайта ишлаш цехи ҳам «Бизнес фонди» ёрдамидан баҳраманд бўлди. Голландия технологияси билан жиҳозланган цехда кунига 1,5 тонна сут қайта ишланиб, пишлоқ, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам мазали, ҳам сифатлилиги билан эл оғзига тушган.

Суратларда: лаборант Шоҳиста Эргашева ва ишчилар Моҳира Эркабоевалар.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА

Дўстлик тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси дала меҳнатчилари ўртасида маданий — маиший тадбирларни намунали амалга оширмоқда.

Суратда: «Дўстлик» ижара ширкатлар бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Қамбарали Ҳамидов пахтакорлар даврасида.

МАСЪУЛИЯТ

Уни ким, қандай тушуняпти

* * *

Элмирза САРИБАЕВ,
Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

* * *

Қирқ йиллик меҳнат фаолиятим муносиб тақдирланди: мустақиллигимизнинг етти йиллик тўйи арафасида Президент фармонига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландим. Бу зиммамга улкан маъсулият юклади.

Йирик жамоамизда 671 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзга бир олам. Аслида инсон қанчалик иродали, сабр қаноатли бўлмасин кўнгли гулдек нозик. Бир оғиз ширин сўз ишчи ёки хизматчининг кайфиятини чоғ қилиб юборади ва аксинча ўринсиз айтилган лўқма кўнгил шишасини дарз кетказади. Меҳнат фаолияти давомида бунга кўп ишонч ҳосил қилганман.

Қаерда унумли ва самарали ишлаш учун шароит яратилган бўлса, ишчилар қадрдон корхоналарига иштиёқ билан қадам ранжида қилишса, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Буни яхши англаган ҳолда мавжуд ўн тўққизта цехни юксак талаблар даражасида жиҳозлаганмиз. Замонавий дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Хоналарнинг ҳавоси енгил, туваклардаги гуллар кишига эстетик завқ беради. Иш ҳақи мунтазам бериб борилмоқда. Ўртача ойлик маош 5700 сўмни ташкил қилаяпти. Бу ерда 9531 та номинал қиймати 100 сўмдан бўлган акциялар тарқатилган. Унинг ҳар бири 6400 сўмдан дивидент келтирди.

Маданий-маиший хизмат замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаяпти. Ҳиссадорлик жамиятида ажойиб чойхона, меҳмонхона ҳамда маиший хизматнинг 8 тури мавжуд. Эътиборли томони шуки, уларнинг бари ишчиларга бепул хизмат кўрсатади.

Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан икки сменада ишлаётган меҳнатчиларга овқат ҳам ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан тайёрланаяпти. Яна бир хайрли ишга қўл урдик. Зарарли цехларда меҳнат қилаётган 135 нафар ишчининг меҳнат таътилига уч кунлик қўшимча берилди. Оила йили муносабати билан иноқ жамоамизда 25 йил ишлаган эркаклар, 20 йил фаолият юритган аёлларга ўн минг сўмдан пул мукофоти бериладиган бўлди. Меҳнатчиларнинг 10 нафар фарзандлари соф фойда ҳисобидан контракт асосида олий ўқув юртларида ўқишмоқда. Бозор иммиллашни кечирмайди. Уз кучи, салоҳиятига ишонган, жамоасига суянган раҳбаргина юксак масъулиятни оқлаши мумкин.

* * *

Эдуард НИ, етакчи мутахассис.

Мирзообод туманидаги Ўзбекистон темир йўлларининг дўстлик хўжалигида иш тамоман издан чиқди. Эътиборсизлик, ўзибўларчилик оқибатида моллар сони кескин камайди. Қисқа вақт ичида жониворларнинг 300 таси ҳисобдан чиқариб юборилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу ерда инсон омилига эътибор сусайтирилиб юборилган. Ном янгию иши эса эскичасига давом эттирилган. Моддий манфаатдорлик бўлмаганлиги, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланилмаганлиги туфайли чорвадорларда масъулият ҳисси сўнган, кадрлар қунимсизлиги юзага келган. Собиқ раҳбар соҳа кишиларининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазиб, ваъда беришдан нарига ўтмаган. Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили - озуқа етиштиришга панжа орасидан қаралган. Пировард натижада қиш ойларида жамоада танг аҳвол юзага келди.

Вазиятга тўғри баҳо берган мутасаддилар моҳир ташкилотчи, тажрибали мутахасис Р.Салимовни раҳбар этиб тайинлашди. У биринчи кунданоқ зўр омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатди. Олис ерлардан бўлса-да, емиш келтириб чорвани қишдан омон-эсон олиб чиқди. Ҳамкору ҳамжиҳатликда моллар зотини яхшилаш, озуқа заҳирасини мустаҳкамлаш, тажрибали мутахассисларни жалб этиш юзасидан белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилди.

Ғалладан бўшаган майдонларга сув тараб, майин ўтларни ўстириб олдик. Шунда сунъий майсазор 200 гектарни ташкил этди. Мана шу майдондан йиғиштириб олинган тўйимли озуқа маҳсулдорликни оширди. Энг муҳими чорвадорларда ишонч, иштиёқ пайдо бўлди. Уларнинг қўли пул кўрди. Айни кунларда моллар зооветеринария қоидалари асосида меҳр билан парвариш қилинмоқда. Ҳар бир говмиш кунига ўрта ҳисобча 500 граммдан семирмоқда.

Хўжалик иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди. Омилкор раҳбар моҳирона иш юритмоқда. Уттиз киши ўрнига ўн беш киши ишлаётган бўлса-да, ой сайин юксалишга эришилмоқда. Ўзимча фикр қиламан: қаерда масъулият чуқур хис этилса, меҳнатчининг кайфи чоғ бўлса ўзини аямай ишлайди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўрса бўлади. Дастлаб ихтиёримизда ўттиз етти бош чўчқа бор эди. Беш ойда уларнинг сонини 110 тага етказдик. Яна бир йилдан сўнг жониворлар сони минг бошга кўпаяди. Демак, гўшт етиштириш сезиларли даражада ортади.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳадемай чорвадорлар учун ўта масъулиятли дамлар бошланади. Бироқ, озуқа цехи ишламаётир. Тўйимли ва етарли миқдорда емиш тайёрлаш учун экинлар парваришини жонлантириш лозим. Бунинг учун барча имконият сафарбар этилган.

ИШЧИ КУЧИ БОР, ИШ ЎРНИ-ЧИ?

бу муаммо Оқолтин туманида қандай ҳал этилаётир?

Юртбошимизнинг қишлоққа саноатни олиб кирмасдан, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини ишлаб-чиқаришга жалб этмасдан туриб муаммоларимизни ҳал этиб бўлмайди, деган гаплари қанчалик тўғрилигига иймон келтириб турибмиз. Зотан қишлоқда ишчи кучи сероб, иш ўрни-чи? Биз Оқ олтин тумани мисолида бу масалага ойдинлик киритишга интилдик.

Кейинги икки йил «оқ олтин»ликларга осон бўлмади. Табиат инжиқлиги, устига-устак сизот сувларнинг тез кўтарилиши оқибатида ерлар кучли шўрланиб кетди. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда оқсашларга олиб келди. Қолоқлик меҳнаткашлар турмуши, шарт-шароитига ҳам салбий таъсир этди. Туман аҳли биргина қишлоқ хўжалигига таяниб қолиши жиддий нуқсон эканлигини аллақачон тушиниб етди. Чунки 50 нафар киши моддий фаровонлигини деҳқончилигу чорвачилик билан асло таъминлаб бўлмайди. Бугун туманда 24 мингдан ошиқ ишлаш қобилиятига эга бўлган фуқаро истиқомат қилади. Шундан 13 мингдан ошиқ киши қишлоқ хўжалигида, бир ярим мингга яқини саноатда. Икки минг нафар киши эса қурилиш, савдо соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар сафига 4 минг пенсионер, 3 мингдан ошиқ ўқитувчи ва шифокорларни қўшиш мумкин. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлимида шу йилнинг август ойигача иш қидирувчи сифатида 214 киши рўйхатга олинган. 136 нафар киши ишга жойлаштирилган. Тўрт нафар киши эса муддатидан олдин пенсияга чиқарилиб 148 кишига ишсизлик мақоми берилган. Айни чоғда туман корхона ва ташкилотларида 48 та бўш иш ўрни мавжуд. Рақамлар минг жозибали бўлмасин у қоғозлардагина бежирим ва чиройли. Аслида-чи?

- Туманимиз чўл ҳудудида жойлашганлиги учун катта ишчи кучи заҳираларига эга эмас,-дейди Ҳоким Олимжон Мирҳабибов. - Лекин бу бизда одам кам деб қўл-қовуштириб туришга асос бўлолмайди. Туманнинг 2000 йилгача мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиққанмиз. Шу муддат давомида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг бир қисмини қайта ишлаш корхоналарига жалб этиш ниятидамиз. Бундай имконият бизда бор.

Дарвоқе, Қўриқдаги илк қўшма корхона ҳам айнан шу «Оқ олтин»да иш бошлаганди. Италия билан ҳамкорликда дунёга келган, жаҳон андозаларига мос эркаклар ва аёллар кийимкечаклари ишлаб чиқарадиган фабрика чўлнинг илк юлдузидир. Бу ерда 40 нафарга яқин қишлоқ қизлари бежирим либослар тайёрлашни ўзлаштириб оладилар. Корхонада келажакда 100 киши ишлаши режалаштирилиб, умумий маҳсулот ҳажми етмиш миллион сўмликдан оширилиши назарда тутилган. Канада билан ҳамкорликда «Оқ олтин» ЛТД, Латвия билан «Мази ЛТД» қўшма корхоналарига ҳам замин яратилган.

Бугунги кунда туманда 327 киши якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишади. «Шарбат» масъулияти чекланган жамият раиси Абдураим Сиддиев ўз корхонаси ишини дастлаб мева консервалари ишлаб чиқаришдан бошланганди. Кейинчалик ўз фаолиятини янада такомиллаштирди. Ишчи-хизматчилар сони уч нафардан 15 нафарга кўпайди.

- Яқинда янги маҳсулот, томат пастаси ишлаб чиқаришни ташкил этдик,- дейди Абдураим Сиддиев. - Хом-ашё ўзимиздан чиқаяпти. 5 гектар еримиз бор.

Усмон Носир номли хўжаликда яшовчи Гуландом Ёдгорова эса ўз атрофига қишлоқ қизларини тўплаб зардўзлик цехи ташкил этган. «Ҳисор» агросаноат ишлаб чиқариш жамияти, жунни устига ишлайдиган «Алипсон» хусусий корхонаси ҳам ўз сафларини ишсиз қолган ҳамқишлоқлари ҳисобига тўлдираяпти.

«Оқ олтин» тумани Осиё тараққиёт банки грантига эга бўлган Республикамиздаги ягона туман. 2002 йилгача ана шу банк туман иқтисодини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда 78 миллион АҚШ доллари ажратишни кўзда тутаяпти. Бу эса туманни саноатлантиришда қолаверса ишсизлик муаммоларини бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасидир.

Янги йилдан бошлаб бир қанча саноат корхоналарига асос солинади. Истиқболда толани қайта йигириш ва тўқиш комбинати, ғаллани қайта ишлаш комбинати, шартли банка консервалайдиган катта завод, паррандачилик фабрикаси ва бошқа бир қатор иншоотлар барпо этиш вазифаси турибди. Бу эса 3 минг кишини иш билан таъминлаш имконини яратади.

Хуллас, туманда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммо олдини олишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Энг муҳими эртанги кунга ишонч кучли. Туманда ишчи кучи ва иш ўринлари ўртасидаги мувозанат тарозининг икки палласидек тенг бўлишига имкон яратилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Қашқадарё вилояти деҳқонлари жорий йилда 420 минг тонна пахта етиштиришга азму қарор қилишган. Мавсумда 1700 дан зиёд терим машинаси ишлатиляпти.

Шу кунларда айниқса, Косон туманида ишлар авжида.

Суратда: машина теримида юқори кўрсаткичга эришган механизатор Музаффар Муродовга мукофот топшириш пайти.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ ИБРАТИ

Кўп йил қурилиш соҳасида ҳалол-покиза ишлаб келган Нарзулло ака Раҳмонов катта ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга чиққан эди. Лекин уйида бекор ўтиролмади. Меҳнат фахрийси, турмуш ўртоғи Раҳима Раҳмонова билан маслаҳатлашиб, «Пахтаобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раисидан оилавий пудрат ташкил этиш учун ер сўраб ариза берди. Унинг бу талабини хўжалик касаба уюшма қўмитаси қўллаб қувватлади. Шундан сўнг хўжалик бошқаруви бригададан уларга бир гектар ер ажратиб берди.

Пудратчилар астойдил ишладилар. Натижада пахта ҳосили баракали бўлди. Сентябрь ойининг биринчи ҳафтасидаёқ улар теримга тушишиб қабул пунктига 4 тонна юқори сифатли пахта топширишди, белгиланган шартнома ошиғи билан бажарилди. Иғим-теримда Нарзулло ака, Раҳима опа ва уларнинг ўғиллари Мэлс, Муҳсин, Муҳаммад Раҳмоновлар етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олиб, ҳосилдорликни 60 центнерга етказмоқчилар.

Собиржон ҚОДИРОВ.

АЁЛ КЎНГЛИ ГУЛДЕК НОЗИК

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида салкам чорак миллион аҳоли истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида кўплаб корхоналар бунёд этилди, янги ишчи ўринлари яратилди. Шундай бўлса-да, Нукуснинг энг қадрли, баобрў жамоаларидан бири - матбаачилик комбинатидир. Ушбу даргоҳда 250 нафар киши баракали меҳнат қилиб келмоқда. Уларга қулай шароитлар яратиш, моддий манфаатдорликни таъминлаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти. Комбинат касаба уюшмаси қўмитаси машақкатли касб эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, техникавий хавфсизликни таъминлашга оид ишлари ўзининг кутилган самарасини бермоқда.

Иш жараёнлари анча мураккаб. Оддий буюртмадан тортиб энг мураккаб босма нашрларигача қўли гул ходимларимиз томонидан юқори сифатли қилиб тайёрланади. Фидокор ишчиларнинг 90 фоизи хотин-қизлардир. Шу боисдан уларга алоҳида эътибор, меҳрибонлик кўрсатилаяпти. Техника таъминотини намунали йўлга қўйиш энг асосий вазифаларимиздандир. Ишга қабул қилинаётган ҳар бир киши тиббий кўрикдан ўтгач техникавий хавфсизликдан ҳимояланиш қоидалари билан қатъий таништирилади. Шу хусусда мунтазам машғулотлар олиб борилаяпти: 12 ишлаб чиқариш ўринлари, ёруғ шинам цехларда ишлаётганларнинг кайфияти, эришилаётган натижаларидан мамнун эканлигини доим суриштириб борамиз. Кўпчилик таклифига кўра касаба уюшмаси қўмитаси стоматология хизмати учун харажатларни соф фойда ҳисобдан ажратилишига эришди. Бу хайрли ишимиз эндиликда бошқа корхоналарда ҳам бирин-кетин жорий этилмоқда.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси тузилган шартномаларга қатъий риоя қилинишига эътибор қаратмоқда. Шу йили 50 нафар ўғил ва қизларимиз республикамиздаги оромгоҳларда мириқиб дам олдилар, саломатликларини мустаҳкамладилар. Инсон манфаатларини таъминлаш ишлаб чиқаришда йил сайин қувончли натижаларга эришиш имкониятини бермоқда.

А.ИСМЕТОВ,
Нукус матбаачилик комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси.

ТУМАНЛАРАРО ЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

Туман марказий шифохонаси биноси анчадан буён таъмирланмасдан ночор аҳволга тушиб қолган эди. Мавжуд аҳволни инобатга олган туман ҳокимлиги ва туман касаба уюшмалари ташаббусни ўз қўлига олиб, ҳашар ўтказишга қарор қилди. Туман корхона, ташкилот ва хўжаликларининг ёрдами билан қисқа вақт ичида бу ерда 8 миллион сўмликдан ортиқ таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Яқинда эса шифохонада туманлараро жарроҳлик маркази иш бошлади. Замонавий табобат асбоб-ускуналари билан таъминланган ва энг сўнгги талаблар асосида қурилган Марказ жамоаси Дўстлик, Арнасой, Пахтакор, Мирзачўл ҳамда Зафаробод туманлари аҳолисига хизмат кўрсатаяпти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
Дўстлик тумани.

Таълим ислоҳоти амалда

КОМРОН АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар тарбиясига, уларни билимли ва касб-ҳунарли қилиб вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва яна бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори таълим тизимини ривожлантиришда янги қадам бўлди. Унда тажриба тариқасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника ва таълим базасини мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатилган эди. Қарор қабул қилинганидан буён саккиз ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шу фурсатда мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази раҳбарининг ўринбосари Рустам Ниматов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

- Рустам Кўчқорович, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамма вилоятларда эътибор қаратилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах вилоятлари раҳбарлари бу ишни ўз назоратига олиб, зарур маблағ ҳамда бошқа керакли материаллар билан ўз вақтида таъминлаб туришди.

Бу йил академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига тест синовлари асосида 5995 нафар ўқувчи қабул қилинди. Ҳужжат топширганлар эса икки-уч баравар кўп эди. Айрим ўқув юртларида бир ўринга беш-олти, ҳатто ундан ҳам кўп ўқувчилар даъвогарлик қилишди. Уларнинг энг аълочилари, энг иқтидорлиларини биз ўз лицей ва коллежларимизга танлаб олдик.

- Сизнингча янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг эски даврдаги ҳунар-техника билим юртларидан фарқи нимада?

- Бизнинг ҳозирги лицей ва коллежларимизни эски замоннинг ҳунар-техника билим юртлари билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Улар орасида осмон билан ерча фарқ бор. Билсангиз, илгариги ҳунар-техника билим юртлари, негадир энг паст табақа ўқув юрти ҳисобланиб, уларда асосан тарбияси қийин, ўзлаштириши паст ўқувчилар ўқирди. Ҳозир эса мутлақо бунинг акси. Бу йилги қабул натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам лицей ва коллежларга бўлган қизиқишлари ҳамда ишончлари тобора ортиб бормоқда. Бундай ўқув юртларида билим олиш улар учун фахр ҳисобланади. Янгидан ташкил этлаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари олдинги билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, бу ўқув юртларига ўқувчилар умумий ўрта мактабнинг тугатишдаги якуний давлат аттестацияси ҳамда рейтинг кўрсаткичлари натижасига қараб, уларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқиши, қобилияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Иккинчидан, ўқув жараёни жаҳон андозаларига мос келувчи давлат таълим меъёнлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, ишлаб чиқариш ўринлари, ёруғ шинам цехларда ишлаётганларнинг кайфияти, эришилаётган натижаларидан мамнун эканлигини доим суриштириб борамиз. Кўпчилик таклифига кўра касаба уюшмаси қўмитаси стоматология хизмати учун харажатларни соф фойда ҳисобдан ажратилишига эришди. Бу хайрли ишимиз эндиликда бошқа корхоналарда ҳам бирин-кетин жорий этилмоқда.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси тузилган шартномаларга қатъий риоя қилинишига эътибор қаратмоқда. Шу йили 50 нафар ўғил ва қизларимиз республикамиздаги оромгоҳларда мириқиб дам олдилар, саломатликларини мустаҳкамладилар. Инсон манфаатларини таъминлаш ишлаб чиқаришда йил сайин қувончли натижаларга эришиш имкониятини бермоқда.

А.ИСМЕТОВ,
Нукус матбаачилик комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси.

КОМРОН АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

чи қабул қилинди. Ҳужжат топширганлар эса икки-уч баравар кўп эди. Айрим ўқув юртларида бир ўринга беш-олти, ҳатто ундан ҳам кўп ўқувчилар даъвогарлик қилишди. Уларнинг энг аълочилари, энг иқтидорлиларини биз ўз лицей ва коллежларимизга танлаб олдик.

- Сизнингча янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг эски даврдаги ҳунар-техника билим юртларидан фарқи нимада?

- Бизнинг ҳозирги лицей ва коллежларимизни эски замоннинг ҳунар-техника билим юртлари билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Улар орасида осмон билан ерча фарқ бор. Билсангиз, илгариги ҳунар-техника билим юртлари, негадир энг паст табақа ўқув юрти ҳисобланиб, уларда асосан тарбияси қийин, ўзлаштириши паст ўқувчилар ўқирди. Ҳозир эса мутлақо бунинг акси. Бу йилги қабул натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам лицей ва коллежларга бўлган қизиқишлари ҳамда ишончлари тобора ортиб бормоқда. Бундай ўқув юртларида билим олиш улар учун фахр ҳисобланади. Янгидан ташкил этлаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари олдинги билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, бу ўқув юртларига ўқувчилар умумий ўрта мактабнинг тугатишдаги якуний давлат аттестацияси ҳамда рейтинг кўрсаткичлари натижасига қараб, уларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқиши, қобилияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Иккинчидан, ўқув жараёни жаҳон андозаларига мос келувчи давлат таълим меъёнлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, ишлаб чиқариш ўринлари, ёруғ шинам цехларда ишлаётганларнинг кайфияти, эришилаётган натижаларидан мамнун эканлигини доим суриштириб борамиз. Кўпчилик таклифига кўра касаба уюшмаси қўмитаси стоматология хизмати учун харажатларни соф фойда ҳисобдан ажратилишига эришди. Бу хайрли ишимиз эндиликда бошқа корхоналарда ҳам бирин-кетин жорий этилмоқда.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси тузилган шартномаларга қатъий риоя қилинишига эътибор қаратмоқда. Шу йили 50 нафар ўғил ва қизларимиз республикамиздаги оромгоҳларда мириқиб дам олдилар, саломатликларини мустаҳкамладилар. Инсон манфаатларини таъминлаш ишлаб чиқаришда йил сайин қувончли натижаларга эришиш имкониятини бермоқда.

А.ИСМЕТОВ,
Нукус матбаачилик комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси.

институтида 200 киши, Наманган муҳандислик педагогика институтида 153 киши малака ошириш курсларни тугатиб, сертификат олдилар.

Бундан ташқари бу йил 37 нафар ўқитувчи Америка Қўшма Штатларида малакасини ошириб қайтди. Улар 15 кун давомида Нью Пальтц университети коллежлари фаолияти билан танишдилар. Янги ташкил этилган ўқув юртларига ҳомий ва васий ташкилотлар ҳам бириктирилди.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари биз учун янги соҳа ҳисобланади. Шундай экан, уларни замонавий ўқув техникаси билан таъминлаш, ўқитиш тизимида янги дастурлар ишлаб чиқиш қандай бораётгани ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

- Юқорида қайд этилган қарорда янги очилаётган лицей ва коллежларни энг замонавий ўқув техникаси ва жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Вазирлигимизга қарашли касб-ҳунар таълими Маркази бу ишни ўз зиммасига олиб, мазкур ўқув юртларининг ҳар бирини ўртача етти ярим, саккиз миллион сўмлик замонавий компьютерлар, лингафон хоналари, техник воситалар ва синф жиҳозлари билан таъминлади. Шунингдек, вилоят ҳокимликлари ҳам ўз ҳудудларида жойлашган ўқув масканларига имкон даражасида ёрдам кўрсатмоқда.

Янги дастурлар масаласига келсак, Марказимиз томонидан олимлар, тажрибали ўқитувчилар иштирокида янги дастур яратиш бўйича ишчи комиссияси тузилди. Улар уч йиллик таълим стандартлари, янги касблар классификатори, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиб, жойларга жўнатдилар. 1998-99 ўқув йилида бу меъёрий ҳужжатлар синов ва тажрибадан ўтказилади. Сўнгра лозим бўлган тузатишлар билан келгуси йилда Давлат комиссияси тасдиғига киритилади.

Ҳа, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Комрон авлод камолини кўзлаб қилинаётган бу саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Б. ЭГАМҚУЛОВ
суҳбатлашди. /ЎзА/

Ал - Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

АЛЛОМА ЗАМОНДОШЛАРИ

Машҳур олим Абдул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний яшаб ижод этган IX-асрда Араб илм-фаннини юксак ривожланган палласи бўлган. Айнан шу даврда халифаликда Аббосийлар сулоласи ҳукмдорлик мавқеини эгаллаб, давлатнинг илмий салоҳиятини оширишга эътиборни кучайтирдилар. Халифалик пойтахти Боғдод шаҳрига Ҳиндистон, Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳр ҳамда юнон фани ютуқлари кириб кела бошлади.

Шу даврда Ҳиндистонда фаннинг аниқ соҳалари - математика, астрономия, география, тиббиёт, философия жуда ривожланган эди. Аниқ фанлар бўйича илмлар мажмуаси ҳиндларда «сиддханта» деб аталган, халиф ал-Мансур (754-775) ҳукмронлигида Боғдод олимлари уни қайта ишлаб «Китоб Синдҳинд» номли қўлланма яратдилар. Бу асардан осмон жисмларининг ҳолати ва ҳаракати ҳамда буржлар ҳақидаги маълумотлар кенг ўрин олган эди.

Халифа ал-Маъмун ҳукмдорлигида илмга эътибор янада кучайди. Энг муҳими халифанинг ўзи ҳам аниқ фанлар, айниқса астрономия соҳасида чуқур билимга эга эди. Боғдодга халифаликнинг турли ўлкаларидан илм аҳлининг етук намояндалари таклиф этилдилар.

Ал-Маъмун қадимги юнон фанини ўрганишга алоҳида аҳамият берди. Жумладан, антик давр олимлари - Геродот, Платон, Аристотель, Гиппократ, Эратосфен, Гиппарх, Птолемей ва бошқа машҳур олимларнинг асарлари келтирилиб араб тилига таржима қилиниб, янги маълумотлар асосида бойитилди.

Табиийки, кенг миқёсидаги илмий тадқиқотлар учун турли соҳадаги олимлар фидойилик кўрсатдилар.

Жумладан, Жобир ибн Хайён ўрта асрларда кимё соҳасидаги энг йирик олим Куфа шаҳрида яшаб ижод қилган. Яъқуб ибн Тариқ астроном, Боғдодда халифа ал-Мансур саройида хизмат қилган. Мошоллоҳ ибн Асирий ал-Басрий астролог, Боғдодда ишлаган Абу Ҳафс Умар ат-Табарий астроном ва астролог, Боғдодда ижод қилган; Яҳё ибн Абу Мансур, Халифа ал-Маъмун саройидаги йирик мунажжим (астролог); Али ал-Астурлобий, халифа ал-Маъмун даврида Боғдодда ижод этган, Абдулҳамид ал-Хутталий Боғдодда ижод этган математика фани билимдони; Муҳаммад ибн ас-Саббоҳ астроном ва астролог; Амр ал-Жоҳиз философ ва филолог олим, Боғдод ва Басра шаҳарларида яшаб ижод этган; Яъқуб ал-Киндий, қомусий олим, машҳур философ; ўнлаб асарлар муаллифи, айниқса математика соҳасида баракали ижод қилган.

Ал-Фарғоний билан бир даврда яшаб ижод этган ўртаосиёлик олимлардан айримлари ҳақида бир оз кенгроқ шарҳ бериб ўтамиз.

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ

Хоразмлик машҳур олим. Халифа ал-Маъмун даврида «Байт ул-ҳикма»ни бошқарган, жуда кўп илмий ишларга раҳбарлик қилган. Европада унинг «Ал-Хоразмий» нисбасидан «алгоритм» ва Ал-жабр ва-л-муқобала» асаридан «алгебра» атамалари фанга киритилган. Математика, астрономия, география ва тарих соҳаларида илмий тадқиқотлар ёзиб қолдирган. Шарқ географияфанининг асосчиси.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, фанда Ҳабаш ал-Ҳасиб исми билан машҳурдир. «Маъмун Академияси»да ишлаган. Математика, астрономия, астрономик асбоблар ясаган, география соҳалари бўйича асарлар ёзган. Тригонометрияга тангенс ва котангенс тушунчаларини киритган.

Унинг ўғли Абу Жаъфар ибн Ҳабаш ҳам астроном бўлган.

Холид ибн Абдулмалик ал-Марваррудий «Маъмун Академияси»да ишлаган. Астрономик тадқиқотларда, жумладан, «Маъмун зижи»ни тузишда қатнашган, астрономик асбоб ясаган. Бу ҳақда Беруний «Геодезия» асарида, Холид ибн Абдулмалик ал-Марваррудий халифа ал-Маъмун топшириғига кўра Дамашқ яқинидаги Дайр Муррон тоғида улкан деворий квадрат ясагани ва унга тегишли жиҳозлар ўрнатиб астрономик тадқиқот олиб боргани ҳақида фикр билдиради.

Холид ал-Марваррудийнинг ўғиллари Муҳаммад ал-Марваррудий ва Умар ал-Марваррудий ҳам астроном олимлар бўлганлар, шу соҳада асарлар ёзганлар.

АББОС АЛ-ЖАВҲАРИЙ ФОРОБИЙ

«Маъмун Академияси»да ишлаган, астрономик тадқиқотларда иштирок этган. Геометрия ва астрономия соҳаларига оид асарлар ёзган. «Маъмун зижи»ни тузишда катнашган.

АБУ МАЪШАР ЖАЪФАР ИБН МУҲАММАД ИБН УМАР АЛ-БАЛХИЙ

Балхда туғилиб, Боғдодда яшаб ижод этган машҳур мунажжим, астрологияга оид Қатор йирик асарлар муаллифи.

АБУЛ АББОС АҲМАД ИБН МУҲАММАД ИБН МАРВОН АС-САРАХСИЙ

Фанда кўпроқ Аҳмад ибн ат-Тайййб номи билан машҳурдир. Боғдодда яшаб, ўқиб, ижод этган, математика, астрономия, философия тиб илмлари соҳаларига оид асарлар ёзган, машҳур қомусий олим Яъқуб ал-Киндийнинг шогирдларидан.

Мусо ибн Шокирнинг уч ўғлини Халифа ал-Маъмун ўз Академиясида ўқитиб, тарбиялайди. Натижада, учала ака-ука ҳам ўз даврининг таниқли олимлари бўлиб етишадилар. Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир астрономия, геометрия соҳаларида ижод қилган. Аҳмад ибн Мусо ибн Шокир астрономия ва математикадан ташқари механика соҳасида ҳам йирик олим саналган. Ҳасан ибн Мусо ибн Шокир математика соҳасида мутахассис бўлган. Улар кўпгина асарларни биргаликда ёзиб, уларда муаллифнинг исми ўрнига «Мусо ибн Шокир ўғиллари» деб ёзганлар.

Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир илмий асарлар ёзиш билан бир қаторда, илмий экспедицияларда ҳам қатнашган. Гап шундаки, халифа ал-Муътасим Қуръони Каримда «Асҳоби каҳф» ҳақида ёзилганларнинг ҳақиқатини англаб етиш мақсадида, Муҳаммад ибн Мусо ибн Шокир бошчилиғида кичик Осиёга илмий экспедиция жўнатади. Бу экспедиция тафсилоти Ибн Хурдодбеҳнинг «Масолик ал-мамолик» ва Абу Райҳон Берунийнинг «Ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарларида берилган.

Юқорида Боғдод халифалигида фақат Ал-Фарғоний даврида, яъни IX-асрда ижод этган олимлардан бир гуруҳининг номлари зикр этилди. Агар уларнинг ҳар бирини қаламига ўнлаб асарлар мансублиги ҳисобга олинса, демак, ўша пайтда, ўз даври нуқтаи назаридан, илм-фан кишини ҳайратга соладиган даражада юксак ривожланганлиги маълум бўлади.

Аҳмад ал-Фарғоний мазкур илмий муҳитнинг йирик намоёндаси эди. Унинг меросидан ҳозиргача сақланган еттита асари ва бошқа ёзма манбаларда қайд этилган илмий фаолияти бунинг ёрқин далилидир. Ал-Фарғонийнинг астрологияга оид «Китоб ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум» номли асари эса, XII асрда лотин тилига таржима қилиниб Европада катта шуҳрат топди. Европаликлар ал-Фарғоний асарининг лотинча таржимасига асосланиб, унинг исмини «Алфраганус» шаклида ёзганлар ва талаффуз этганлар. Асарнинг арабча матни XVII асрда китоб шаклида чоп этилди. Ушбу китоб бир неча аср давомида астрономиядан қўлланма сифатида фойдаланган.

Агар, Ал-Фарғоний ва унинг замондошлари ёзган асарлар ва уларнинг кейинчалик Шарқ ва Ғарбда тарқалишига назар ташланса, ўша даврда илм-фан соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар кейинги даврларда ҳам турли мамлакатларда фан тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Омонулла БЎРИЕВ,
ЎзФА Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Имом ал-Бухорий дурдоналари

ҲАЖОТ РОСТЛИКДА

Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибдир. Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир.

***

Бинони тўртта девори ушлаб турганидек, мўминлар ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турғайдирлар.

***

Гарчи сизларга боши майиздек қоп-қора қул бошлиқ қилиб тайинланса ҳам, унга қулоқ солиб, итоат этингиз.

***

Майитларни ҳақорат қилмангизлар, чунким улар келадиган жойларига келиб бўлдилар.

***

Кетидан озор эргаштириб келадиган садақадан кўра, кўнгилни кўтарадиган ва мағфиратли сўз афзалдир.

***

Яхши кўрган кишингни ўртачароқ яхши кўр, балким бир кун келиб у ёмон кўрганинг бўлиб қолар. Ёмон кўрган кишингни ҳам ўртачароқ ёмон кўрки, бир кун келиб яхши кўрганинг бўлиб қолиши мумкин.

***

Кийим-бошингизни яхшилаб кийинглар, минадиган нарсаларингни яхшилаб мининглар, токи одамлар орасида юздаги холдек чиройли бўлинглар.

***

Агар гуноҳ махфий қилинса, фақат гуноҳкорнинг ўзи зарарланади. Аммо ошкора қилинсаю у кишилар томонидан тўхтатилмаса, зарари ҳаммага бўлади.

«Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» китобидан

КОНИСТРГА ЎТ КЕТДИ...

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 сентябрдаги «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бежиз қабул қилинмаган эди. Ўтган ойларда солиқчилар Тошкентдаги ёнилғи қуйиш шаҳобчалари бўйлаб 413 та рейд ва текширув ўтказишган бўлса, шундан 294 тасида турли хил қонунбузарликлар мавжудлиги аниқланди. Кўча-қуйларда ва хонадонларда конистрлаб бензин сотиш шундай қонунбузарликларнинг бир кўриниши эди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаси ходимлари қарор қабул қилиниши арафасида икки кунлик оммавий рейд ўтказишди. Рейд давомида теваракатрофга ёнғин хавфини солиб бензин сотаётган 42 нафар конистрчи «тадбиркор»ни қўлга туширдилар. Улардан ноқонуний сотилаётган 2,1 минг литр бензин, 2,5 тонна дизел ёнилғиси, анчагина миқдорда автомой маҳсулотлари олиб қўйилди ва мусодара қилинди.

Акмал Икромов тумани Саккокий кўчасида истиқомат қилувчи К. Файзиев 120 литр бензиннинг ҳар литрини 50 сўмдан сотаётганида солиқчилар қўлига тушди. Чилонзор тумани Ҳабибулло Қодирий 1-тор кўчасида истиқомат қилувчи С. Қосимов эса 500 литр бензинни сотишга шай қилиб қўйган пайтида ушланди. Ҳушёр солиқчилар савдонинг белига тепиб, бензин орқасидан жарақ-жарақ пул ишлаётган С. Қосимовнинг сирини фош этдилар. Шу туманда истиқомат қилувчи Н. Сариков ҳам ўша куни 2,5 тонна дизел ёнилғисини ноқонуний тарзда сотаётган пайтда қўлга олинди.

Ёнилғи маҳсулотлари савдосидаги қонунбузарликлар фақат Тошкентда эмас, балки республиканинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам одат тусига кириб бораётганлиги солиқчилар ўтказаётган рейд ва текширувлар давомида маълум бўлмоқда.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ва қўшма корхоналар томонидан нефть маҳсулотларини сотишга доир фаолият фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади. Бундай рухсатномаси бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан барча турдаги нефть маҳсулотларини сотиш бутунлай таъқиқланади. Бу тартибга қандай риоя этилаётганлигини Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Уздавнефтьмаҳсулот» бирлашмаси мунтазам

Солиқ тизимида

назорат қилиб борадилар. Назорат қилувчи ташкилотлар ҳамкорлик режаларини тузиб олмоқдалар.

Ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида бўйлаб ўтказилган текширувлар давомида 1,1 миллион сўм камомад, 100 минг сўмлик қирим қилинмаган, ҳисобда йўқ нефть маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди. 77 ҳолатда операторлар бензинни белгиланганидан кам қуйиб, харидор ҳақидан ўриб қолганликлари маълум бўлди.

Текширилган ёнилғи қуйиш шаҳобчаларининг аксариятида назорат-касса машиналаридан фойдаланилмас экан. 738 ҳолатда шундай манзара намоён бўлди. Пировардида накд пул тушуми банк муассасаларига ўз вақтида топширилмай, ноқонуний харажатларга сарфлаб келинган.

Солиқчилар шундай ҳолатга Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги «Едгор» хусусий фирмасига қарашли ёнилғи қуйиш шаҳобчасида дуч келдилар. Бу ерда назорат касса машинасидан ўтмаган 62,9 минг сўмлик савдо пули йиғилиб қолган экан.

Савдо қоидасини кўпол равишда бузиб келган оператор Д. Едгоровга нисбатан жиноят иши қўзғотилди. Фарғона шаҳридаги «Петролекс-Азия» фирмасига қарашли 55-ёнилғи қуйиш шаҳобчаси оператори Ш. Жўраевга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилди. Шаҳобчадан назорат касса машинасидан ўтказилмаган 73 минг сўм савдо пули чиққан эди.

Кейинги пайтларда нефть маҳсулотларини хонадонларда қайта ишлаб бензинсимон ёнилғи тайёрлаш авж олаяпти. Шундай учар тадбиркорларнинг бири Тошлоқ туманида қўлга тушди. Шу дамларда унинг қўшниси О. Курбонов ҳам ноқонуний савдо устида ушланди. Уларнинг қўлбола дастгоҳлари, нефть хомашёси, сотишга тайёр қилиб қўйилган маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ёнилғи савдосида қонунбузарликка йўл қўйган 447 нафар мансабдор шахс ва оддий фуқаролар 1,3 миллион сўмга яқин маъмурий жаримага тортилдилар. 35 та қонунбузарлик ҳолати бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси нефть маҳсулотларининг ўғирланиш йўлларини, уларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мунтазам равишда қўшма текширишлар ўтказиб борадилар, нефть маҳсулотларини сотиш борасида ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга доир қаттиқ чораларни кўраверадилар.

Жасур НОСИРОВ.



Термизлик ёш полвон Ботир Ҳасановнинг номи спорт ишқибозларига яхши таниш. У миллий кураш мусобақаларида қатнашиб ўз вазни тоифасида ғолибликни қўлга киритиб келмоқда.

Суратда: (чапдан) полвон Ботир ҲАСАНОВ устози Рўзи ЎТАЕВ билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

БЎСТОНДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Нукусда Оролбўйи ҳудудида дастлабки академик лицейнинг иш бошлаши Қорақалпоғистонда катта шодиёнага айланиб кетди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар таёрлаш хусусидаги Миллий дастур бўйича қабул қилинган қарорларни изчил амалга ошира бориб, Оролбўйи халқ таълими ходимлари бу борада муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, Хоразм воҳасидаги энг катта қўриқ- Элликқалъа мавзесидаги Бўстон шаҳрида ана шундай илм масканларидан бири-академик лицей қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Янги лицей келаси йил фойдаланишга топширилгач. мехнаткашларнинг ярим мингга яқин дилбандлари шу ерда билим сирларини чуқур ўрганишади.

Академик лицей йигирма биринчи аср талабларига тўла жавоб берадиган даражада асбоб-ускуналар билан жихозланади.

Абду РАХМОН,
«Ишонч» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1998 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да Жиззах шаҳар очиқ турдаги «ОҲАК» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

Кун тартиби:

1. Ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

2. Ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши низомини тасдиқлаш.

3. Ҳиссадорлик жамияти ижроия органи низомини тасдиқлаш.

4. Ҳиссадорлик жамияти ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

Йиғилиш ҳиссадорлик жамияти мажлислар залида бўлади.

Ҳиссадорлар эрталаб соат 8.30 дан 10.30 гача рўйхатдан ўтказилади.

Кузатув кенгаши.

О.Т. «ТТМЗ» А.Ж. АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

1998 йил 23 октябрь куни соат 15-00 да О.Т. «ТТМЗ» А.Ж. акционерларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Янги таҳрирдаги Низомни ва ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш.

2. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

3. Тафтиш гуруҳи таркибини қайта сайлаш.

4. Бошқа масалалар.

Мажлис - завод маъмурий биносининг мажлислар хонасида ўтказилади. Акционерларни рўйхатга олиш соат 14-00 да бошланади.

Кузатув кенгаши.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ

Аҳолининг пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишини ва омонатларга жалб этилган жамғармалар мижозларнинг биринчи талабларига мувофиқ ўз вақтида берилишини

КАФОЛАТЛАЙДИ ВА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Талаб қилиб олингунча - йиллик 10 %.
Муддатли омонатлар:
3 ой муддатга - йиллик 20 %
6 ой муддатга - йиллик 25 %
12 ой муддатга - йиллик 36 %

Юридик шахсларнинг эркин маблағлари йиллик 25 % депозит билан қабул қилинади.

Банк рухсатномаларда кўзда тутилган барча банк операциялари турларини амалга оширади, шу жумладан бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли қарзлар беради.

«Замин» банки сизнинг ҳақиқий ҳамкорингиз.
Банк хизматидан фойдаланинг!

Маълумот учун ҳар бир вилоят марказидаги банк филиалларига ва Тошкент шаҳридаги П.Ржевский кўчаси 3-уйга (Миробод деҳқон бозори яқинида) мурожаат этишингиз мумкин.

Телефонларимиз: 54-14-98, 55-72-97.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши Тошкент шаҳар ҳокими Козим Носирович ТЎЛАГАНОВга ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари

Нури ая ТЎЛАГАНОВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият -56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш- 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» («Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0337. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи: Абдулла АЙИЗОВ 123456